

“Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” мультимодал транспорт йўлагига биринчи блок-поезд ишга туширилди



Жорий йилнинг 5 июн куни Ганьсу вилоятидаги (Хитой) “Ланьчжоу” темир йўл станциясидан “Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” мультимодал транспорт йўлаги бўйлаб электротехника маҳсулотлари юкланган 25 контейнердан иборат биринчи блок-поезд Туркменистонга йўл олди.

Жорий йилнинг январь ойида Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги вакиллари иштирокида Ўзбекистон Республикаси делегациясининг Хитойга ташрифи давомида “Хитой темир йўллари” Давлат корпорацияси, Транспорт вазирлиги, Ислохотлар ва ривожланиш ишлари бўйича давлат қўмитаси, Цзяньсу, Хенань, Шэньси, Ганьсу вилоятлари, Шинжон – Уйғур автоном тумани маъмурияти ҳамда “Ляньюньган” денгиз портида бир қатор учрашувлар бўлиб ўтди.

Ташриф яқунларига кўра, “Қашқар - Иркештам - Ўш - Андижон” транзит қисмида автомобиль транспортдан фойдаланган ҳолда, “Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” мультимодал транспорт йўлаги бўйлаб блок-поездни биргаликда йўлга қўйиш тўғрисидаги келишувга эришилди.

ХХР денгиз портлари ва ўлкаларидан юклар темир йўл орқали йирик транспорт маркази жойлашган Қашқар шаҳрига олиб келинади. Бу ерда юк оқимлари жамланади ҳамда йўналишларида давом этиш учун темир йўл транспортдан автомобил транспортига ўтказиш ишлари амалга оширилади.

Транспорт йўлагининг самарадорлигини ошириш мақсадида хитойлик шериклар билан биргаликда Хитой ҳудудида юк ташиш учун чегирмалар жорий қилиш, темир йўл ва автомобиль транспорти орқали контейнерларни ташишни бир - бирига мослаштириш ва Қашқардаги логистика марказининг ўтказиш қобилиятини ошириш масалалари устида иш олиб борилмоқда.

Ушбу транспорт йўлагининг узунлиги Хоргос ва Достик (Қозоғистон) чегара пунктлари орқали муқобил йўналишлардан 295 км қисқароқ. Бу, ўз навбатида, юкларни етказиб бериш вақтини қисқартириш, шунингдек, янги йўналишни халқаро савдо иштирокчилари учун жозибадор ва рақобатбардош қилиш имконини беради.

Манба